

Интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳар бир жамият тараққиётида салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди. Ушбу ҳуқуқ объектига оид халқаро миқёсдаги чора-тадбирлар ҳукуматлараро халқаро ташкилот - Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ штаб-квартираси Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган) томонидан доимий равишда амалга оширилмоқда. 2009 йилнинг январи ҳолатига кўра, БИМТга 180 дан ортиқ давлат аъзо бўлган. Халқаро конвенциялар, битимлар, келишувлар ва ўзаро шартномалар тизими самарали ташкил этилганлиги сабабли, жаҳон ҳамжамияти интеллектуал мулк объектлари ва унинг савдосидан катта миқдорда даромад олаётир, демакки, ғоялар, ишланмалар ва шахсий мулк ҳуқуқлар ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотига каттагина улушга эга бўлмоқда. Кунинча БИМТ Бош директори Фрэнсис Гаррининг ташкилотимизга юборилган Мурожаатини қўлимизга олдик. Мурожаатда таъкидланишича, “2009 йилда Халқаро интеллектуал мулк кунинча Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ўз диққат-эътиборини барқарор интеллектуал мулк тизимининг соф технологияларни яратиш, тарқатиш ва қўллашни рағбатлантиришга; яратилиш вақтидан чиқитга чиккунга қадар атроф муҳитга ижобий таъсир қилувчи маҳсулот яратишга йўналтирилган экологик дизайнга кўмаклашишга; истеъмолчиларга ахборот танловини амалга ошириш ва компанияларга рақобат афзалликларини тақдим этишга ёрдам берадиган яшил брендингга қўшадиган ҳиссасига қаратмоқда.” Яъни, 2009 йилда устуворлик яшил инновацияларга берилган.

Берн Конвенцияси фан, адабиёт ва санъат асарларига бўлган ҳуқуқларни - муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган асосий халқаро шартномалардан биридир. Конвенция универсал ҳуқуқий ҳужжат сифатида у аъзо давлатларда тўғридан-тўғри ёки унинг қоидаларини соҳага оид миллий қонунчиликда акс этириш орқали қўлланилади. 2006 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонун халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мослаштирилди. Бу эса мамлакатимизда давлат ва ҳукуматимиз томонидан муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганининг яққол ифодасидир. Ўзбекистон Берн Конвенциясига (2005) аъзо бўлганидан ва тегишли Қонун (2006) қабул қилинганидан кейин Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги фаолиятида бир қатор ижобий ўзгаришлар юз берди. Қисқа вақт ичида муаллифлик ҳақларини тўлаш тартиби (2007), муаллиф ва ижрочилар асарларидан

фойдаланганлик тартибига оид (2008) Ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Контрафакт маҳсулотлар савдосига қарши кураш олиб боровчи республика комиссияси кейинги икки йил мобайнида Давлат солиқ хизмати ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда жами 1,5 мингдан зиёд текшириш, рейд тадбирлари ўтказиб, 2,0 мингга яқин қонун бузилиши ҳолатларини аниқлади ва 300,0 минг нусхадаги, 2,1 миллиард сўм миқдордаги турли шаклдаги аудио - видео маҳсулотларини суд қарорига қўра мусодара этди.

1992 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси мустақиллик йилларида катта миқёсдаги халқаро ҳамкорлик алоқаларини амалга оширишга улгурди. Ўтган қисқа вақт ичида Ўзбекистон Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)нинг аъзоси, Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси (1991), Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш учун Мадрид битимига доир Баённома ва Протоколи, Патент кооперацияси тўғрисида шартнома (РСТ), Товар белгиларига оид қонунлар тўғрисида шартнома (ТЛТ), Патент ҳуқуқи тўғрисида шартнома, Ўсимликлар янги навларини муҳофаза қилишга оид халқаро конвенция (UPOV), Патент тадбирлари мақсадлари учун микроорганизмларни депонентлаштиришни халқаро эътироф этиш тўғрисидаги Будапешт шартномаси, Белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товар ва хизматларнинг халқаро таснифи тўғрисидаги Ницца битими, Халқаро патент таснифи тўғрисидаги Страсбург битими, Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисида Локарно битими каби нуфузли халқаро шартномалар, битимларга қўшилди ва БИМТнинг фаол иштирокчисига айланди.

Бугунги кунга келиб, интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида 8 та давлатлараро, 10 та ҳукуматлараро ва 17 та идоралараро шартнома ва битимлар тузилиб амал қилмоқда. Мазкур ҳужжатлар илмий-техникавий ишланмаларни чет элда муҳофаза қилишга ва экспортёрларнинг ташқи иқтисодий фаолиятига ёрдам беради ҳамда чет эл инвестицияларини миллий саноатимизга жалб қилишга йўналтирилган.

1996 ва 2000 йилларда БИМТ Бош директорлари жаноб Арпад Богш ва жаноб Комил Идрис бошчилигидаги БИМТнинг Халқаро бюроси делегацияларининг расмий ташрифлари чоғида Ўзбекистоннинг давлат патент-лицензия сиёсатини ўтказишдаги халқаро нуфузи расман эътироф этилди. Жаҳоннинг давлат раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам

Каримовнинг миллий патент тизимини яратиш ва ривожлантиришдаги, илмий-технологик ва ихтирочилик фаолиятига ёрдам кўрсатишдаги буюк шахсий ҳиссаси ҳамда мамлакатимизнинг саноат мулкани муҳофаза қилишнинг халқаро патент-ҳуқуқий тизимида фаол иштироки учун Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Катта олтин медали (1996) билан тақдирланганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Патент идорасининг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2002 йил 14 июндаги 209-сон қарори билан тасдиқланган Низом асосида тартибга солинади. Агар дастлабки йилларда саноат мулкнинг 4 та объектига (ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгиларига) ҳуқуқий муҳофаза бериш жорий қилинган бўлса, ҳозирги кунда ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари, ўсимлик навлари, ҳайвон зотлари, интеграл микросхемалар топологиялари, товар келиб чиққан жой номлари каби ўндан ортиқ интеллектуал мулк объектлари муҳофаза қилинмоқда.

Патент идорасининг фаолияти биринчи босқичи (1992-1997 йй.) жаҳон патент тизими амалий иш тажрибасини ўрганиш ва иқтисодий оёққа туриш йиллари бўлди, десак хато бўлмайди. Иккинчи босқич (1998-2008 йй.) интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилди ва турган гапки, бу катта иқтисодий самара келтирди. Жумладан, истиқлол йилларида “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”, “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинди. Мазкур Қонунларнинг Давлат патент идорасидаги ижроси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан мунтазам равишда муҳокама қилинмоқда. Булардан ташқари, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган умуммажбурий характердаги 15 та ҳужжат ва идора фаолиятини тартибга соладиган 120 дан зиёд норматив ҳужжатлар ҳам рўйхатга олинганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Булар ҳаммаси ривожланган давлатларнинг шу соҳада фаолият олиб борадиган идоралари ишлаш механизмларини республикамизда тизимли, ҳам самарали жорий этиш имконини бермоқда. Навбатдаги учинчи

босқич 2009 йилдан бошланиб, “Ҳамкорлар билан ишлаш даври” деб номланади.

Ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган интеллектуал мулк объектлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш вазифаси ҳам Патент идорасига юклатилган. Шу мақсадда идорада ҳар ойда «Расмий ахборотнома» бюллетени нашр қилинади, ҳар чорақда “Интеллектуал мулкни бошқариш” журнали, ҳар йили асосий йўналишлар фаолияти яқунлари ҳақида Йиллик таҳлилий ҳисобот китоби чиқади, шу билан бирга энг зарур маълумотлар, норматив ҳужжатлар доимий равишда patent.uz веб-сайтимида жойлаштириб борилади.

Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари нафақат уларга муҳофаза бериш, балки мазкур соҳада юзага келадиган низоларни кўриб чиқиш билан ҳам боғлиқ. Шу муносабат билан судгача бўлган инстанция сифатида Идорада Апелляция кенгаши фаолият кўрсатиб келаётир. Апелляцияларни бериш ва кўриб чиқиш масалаларини тартибга солувчи қоидалар Адлия вазирлигида рўйхатга олинган ҳужжатлар ва апелляцияларни кўриб чиқишга доир йўриқнома билан тартибга солинади. Идорамизда йилига йигирмадан ортиқ судгача бўлган ишлар мазкур кенгаш томонидан кўриб чиқилмоқда.

Аниқ факт ва рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Давлат патент идораси 1992 йилнинг 1 октябридан 2009 йилнинг 1-чорагига қадар, яъни ташкил қилинган вақтдан эътиборан интеллектуал мулк объектларига 88,7 минг талабномаларни қабул қилди, улардан 15,8 мингтаси ихтироларга, 2,0 мингтаси саноат намуналарига, 0,7 мингтаси таси фойдали моделларга, 68,1 мингтаси товар белгиларига (улардан халқаро процедура бўйича 42,7 мингта), 1,9 мингтаси ЭҲМ дастурлари ва маълумотлар базаларига, 0,2 мингтаси селекция ютуқларига тааллуқлидир. Давлат экспертизаси текшириши ва хулосаларига биноан, интеллектуал мулк объектлари Давлат реестрларида 30,9 мингта объект рўйхатдан ўтказилди. Агар уларни таҳлилдан ўтказадиган бўлсак, 9,2 мингтаси (29,8%) ихтироларга, 1,6 мингтаси (5,2%) саноат намунасига, 0,4 мингтаси (1,3%) фойдали моделларга, 17,8 мингтаси (57,6%) товар белгиларига, 1,5 мингтаси (4,9%) ЭҲМ дастурлари ва маълумотлар базаларига, 0,1 мингтаси (0,3%) селекция ютуқларига тўғри келмоқда.

Давлат патент фондини шакллантириш Давлат патент идорасининг бош вазифаларидан бири бўлиб, у мустақиллик йиллари давомида 16 млн. нусхадан 66,8 млн.дан ортиқ нусхагача, яъни 4,2 маро-

таба кўпайган. Уларнинг 78 фоизидан ортиғи оптик (CD-ROM ва DVD-ROM) дискларидадир. Шунингдек, идорада ахборот ва қидирув тизимлари, хизматлар кўрсатиш ва иш юритиш тўла компьютерлаштирилган.

Шундай қилиб, миллий патент тизимининг яратилгани ва унинг халқаро ташкилотлар билан уйғунликда фаолият олиб бораётганлиги инновацион тадбиркорликда илмий-техникавий янгиликларни тадбиқ этилишига кенг шароит яратиб бераётир. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда бугунги кунда жаҳон андозалари талабларига мос келадиган интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш тизими шакллантирилган ва у муваффақиятли амал қилмоқда.

ВАЗИФАЛАРИ

Қуйидагилар Патент идорасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- саноат мулки объектларини, селекция ютуқларини, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини, интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

- саноат мулки объектлари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларига ҳуқуқий муҳофаза хизмати кўрсатиш;

- расмий рўйхатдан ўтказилган ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларига оид патент ҳужжатларининг давлат фондини ва маълумотлар банкни шакллантириш;

- Ўзбекистон Республикасида илмий-техника, бадий-конструкторлик ва бошқа ижодиётларнинг ривожланиши учун шароитлар яратишга кўмаклашиш.

ФУНКЦИЯЛАРИ

Патент идораси ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

- Ҳукуматга саноат мулки объектларини, селекция ютуқларини, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини, интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш бўйича таклифлар киритади ва уни рўёбга чиқаришда бевосита иштирок этади;

- саноат мулки объектларини, селекция ютуқларини, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини, интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари бўйича қонун ҳужжатларини тайёрлашда қатнашади, шунингдек ўз ваколатлари доирасида зарур норматив ҳужжатлар қабул қилади;

- саноат мулки объектлари, селекция ютуқларига оид муҳофаза ҳужжатларини бериш юзасидан буюртманомаларни, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини, интеграл микросхемалар топологияларини расмий рўйхатдан ўтказиш юзасидан буюртманомаларни кўриб чиқиш учун қабул қилади, ихтироларнинг давлат илмий-техника экспертизасини, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товарлар келиб чиқиши жойларининг номлари давлат экспертизасини амалга оширади, аризадаги объектларнинг устуворлигини белгилайди, селекция ютуқларига оид буюртманомаларни расмий экспертизадан ўтказди, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказишга оид буюртманомаларни давлат экспертизасидан ўтказди;

- аризадаги саноат мулки объектларининг патентга лойиқлик шартларига мувофиқлигини аниқлаш натижалари бўйича муҳофаза қилиш ҳужжатларини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ихтисослаштирилган ташкилотлари хулосалари асосида селекция ютуқларига патентлар ва гувоҳномалар бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, шунингдек ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини берилган буюртманомаларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш натижаларига кўра расмий рўйхатдан ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

- саноат мулки объектларини, селекция ютуқларини, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади, шунингдек муҳофаза қилиш ҳужжатларини беради, тегишли давлат реестрларини юритади:

- муҳофаза қилиш ва бошқа зарур ҳужжатларнинг ягона шаклларини белгилайди;

- давлат илмий-техника экспертизасини ўтказишда қатнашиш учун манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар мутахассисларини белгиланган тартибда жалб этади;

- саноат мулки объектларидан, селекция ютуқларидан, ЭХМ учун дастурлардан, маълумотлар базаларидан, интеграл микросхемалар топологияларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги лицензия шартномаларини, шунингдек уларни тўлиқ ёки қисман бериш тўғрисидаги ёки уларнинг кафолати тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказди;

- рўйхатдан ўтказилган шартномалар ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар банкини юритади;

- Патент идорасининг бюллетенларини ва бошқа расмий нашрларини, шунингдек саноат мулки объектларини, селекция ютуқларини, ЭХМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича бошқа маълумотлар ва материалларни чоп этишни ташкил қилади ва амалга оширади;

- саноат мулки объектларини, селекция ютуқларини, ЭХМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида манфаатдор шахсларга методик ёрдам кўрсатади;

- патент ҳужжатларининг давлат фондини бутлаш ишларини ташкил этади ва амалга оширади, унинг сақланишини таъминлайди ва унинг асосида манфаатдор ташкилотларга, мансабдор шахсларга ва фуқароларга кутубхона-библиография, маълумотнома-ахборот ва илмий-методик хизмат кўрсатишни ташкил қилади;

- ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни чоп этади;

- саноат мулки объектларини, селекция ютуқларини, ЭХМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширади, давлат патент тизимини ривожлантиришнинг муҳим истиқболли муаммоларини ишлаб чиқиш ва ҳал этиш учун вақтинчалик ижодий илмий жамоаларни ташкил қилади;

- патент бўйича ваколатли вакилларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказишни амалга оширади, патент бўйича ваколатли вакилларнинг давлат реестрини юритади;

- саноат мулки объектларини, селекция ютуқларини, ЭХМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги шикоятлар ва низоларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқади;

- саноат мулки объектларини, селекция ютукларини, ЭХМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини ва интеграл микросхемалар топологияларини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги кадрларни тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

- ўз ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиради;

- саноат ва интеллектуал мулкнинг ҳамда уни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимининг роли ва уларнинг давлатни иқтисодий, маданий ва ижтимоий ривожлантиришга таъсирини тарғиб қилиш тадбирларини ташкил қилади ва амалга оширади;

- Патент идорасининг вазифаларига мувофиқ бўлган ва амалдаги конун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа функцияларни бажаради.

(Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 июндаги 209-сон қароридан)

ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

1991 йилнинг 25 декабри – Ўзбекистон Республикаси территориясида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этувчи Конвенция, Саноат мулки муҳофазаси бўйича Париж Конвенцияси ва Патент кооперацияси тўғрисидаги Шартнома амалга киритилди (СССРнинг ягона патент тизимининг парчаланишидан сўнг ушбу шартномалар янги мустақил давлатларнинг территорияларида амалга кирдилар).

1992 йилнинг 3 августи – Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасини ташкил қилиш тўғрисида» 360-сон Қарори чиқарилган сана.

1992 йилнинг 21 августи – Фан ва техника давлат қўмитасининг 1-сон буйруғи билан Патент идораси тўғрисида Низом тасдиқланди.

1992 йилнинг 1 октябри – Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси расмий очилган сана. Мустақил Ўзбекистон ҳудудида саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида **биринчи норматив ҳужжат** – «Ўзбекистон Республикаси саноат мулки тўғрисида муваққат низом» амалга киритилди.

1993 йилнинг 25 феввали– Давлат реестрида **Ўзбекистондаги биринчи товар белгиси** рўйхатдан ўтказилди. Ҳуқуқ эгаси – «Восток» инновация фирмаси.

1993 йилнинг 2 марти – Давлат реестрида **мустақил давлатимизнинг ихтирога биринчи муҳофаза ҳужжати** рўйхатдан ўтказилди. Ушбу ҳужжат сифатида Қодир Мўминов номига узумни етиштириш усули учун берилган дастлабки патент бўлди.

1993 йилнинг 7 майи – Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида» Қонуни амалга киритилди

1993 йилнинг 1 сентябри – Давлат патент идорасининг расмий нашри бўлган «Расмий ахборотнома» бюллетенининг **биринчи сони** нашр қилинди.

1994 йилнинг 6 майи – Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида» ва «ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида» Қонунлари амалга киритилди.

1995 йилнинг 4-9 ноябри – Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасида Патент ахбороти бўйича БИМТнинг минтақавий семинари **биринчи бор ўтказилди.**

1996 йилнинг 13 январи – Давлат реестрида «Солиқ тўловчи юридик шахсларни идентификациялаш (туман даражасида), Слиппер МС ДОС» деб номланган **биринчи ЭҲМ учун дастур** ва «Солиқ тўловчи юридик шахсларнинг ягона реестри (республика миқёсида), Информикс, УНИКС» деб номланган **биринчи маълумотлар базаси** рўйхатдан ўтказилди. Ҳуқуқ эгаси – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.

1996 йилнинг 29 майи – Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов **давлат раҳбарлари ичида биринчи бўлиб** Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Олтин медали билан тақдирланди. БИМТ Бош директори Арпад Богш ушбу мукофотни Тошкентда топширгани ҳолда И. А. Каримовнинг илмий ва технологик ихтирочилиқ фаолиятини ҳамда мамлакатимизни БИМТ билан ҳамкорлигини ривожлантиришга қўшган буюк шахсий ҳиссасини таъкидлаб ўтди.

1996 йилнинг 30 августи – Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида» Қонуни қабул қилинди

1998 йилнинг 4 сентябри – Ўзбекистон товар белгилари бўйича қонун тўғрисида Шартномага қўшилди (“ТЛТ”).

1998 йилнинг 7 октябри – Давлат реестрида **биринчи бор – С-6524 ғўза ўсимлик нави рўйхатдан ўтказилди**. Ҳуқуқ эгаси – Г.С. Зайцев номли Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий–тадқиқот институти.

1999 йилнинг 27 январи – Меҳнат вазирлигининг «Ишчи касблари ва хизматчилар лавозимлари классификаторига қўшимча ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 114/03-2–сон қарори билан ишчи касблари ва хизматчилар лавозимлари рўйхатига давлат патент экспертизаларининг лавозимлари киритилди.

2000 йилнинг 28 феввали – Давлат реестрида **биринчи бор қоракўл қўйи (Зармалларанг) хайвон зоти рўйхатдан ўтказилди**. Ҳуқуқ эгаси – Ўзбекистон Қоракўлчилик илмий–тадқиқот институти.

2001 йилнинг 12 майи – Ўзбекистон Республикасининг «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида» Қонуни қабул қилинди (Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ бешинчи сессияси).

2001 йилнинг 30 августи – Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида» Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди (Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессияси).

2002 йилнинг 12 январи – Ўзбекистон Республикаси учун Товарлар ва хизматларни халқаро классификацияси тўғрисида Ницца битими ва Патент амаллари учун микроорганизмларни депонентлашни халқаро тан олиш тўғрисида Будапешт шартномаси кучга кирди.

2002 йилнинг 20 феввали – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий–тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» № ПФ-3029-сонли Фармони қабул қилинди.

2002 йилнинг 14 июни – Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида» 209-сон Қарори қабул қилинди.

2002 йилнинг 30 августи – «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида», «ЭХМ учун

дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида», «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида» ЎзР Қонунларига ўзгартиришлар киритилди.

2002 йилнинг 12 октябри – Олий Мажлиснинг 276-ИИ – рақамли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси учун Халқаро патент классификацияси тўғрисида Страсбург битими кучга кирди

2003 йилнинг 31 декабри – Давлат патент идораси «Расмий ахборотнома» бюллетенининг 50-юбилей сони нашрдан чиқди.

2004 йилнинг 14 ноябрида – Халқаро ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш бўйича конвенция Ўзбекистон Республикаси учун кучга кирди.

2006 йилнинг 19 июлида – Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битими ва Патент ҳуқуқи тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон Республикаси учун кучга кирди.

2006 йилнинг 27 декабри – Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битими Баённома Ўзбекистон Республикаси учун кучга кирди (Мадрид, 27 июнь 1989 йил).

2007 йилнинг 1 январидан - Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси «Расмий ахборотнома» бюллетени ҳар ойда чиқа бошлади.

2007 йилнинг 8 феввали – Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битими Баённомасига мувофиқ биринчи талабномалар берилди.

2007 йилнинг 19 сентябри – Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида» Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

2007 йилнинг 31 октябри – товар келиб чиққан жой номларини рўйхатга олиш учун биринчи талабнома берилди.

2008 йилнинг 29 юни – Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

2008 йил 6 октябрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси билан Латвия Республикаси патент идораси ўртасида саноат мулкига оид ҳужжатларни айирбошлаш бўйича битим имзоланди.

2008 йил 10 ноябрь – Давлат патент идораси томонидан Олий ўқув муассасалари студентларининг интеллектуал мулк соҳасида энг яхши курс иши, диплом иши ва илмий тадқиқот иши учун очик йиллик танлови эълон қилинди.

2008 йил 18 ноябрда – ЎЗР ДПИда Корея Интеллектуал мулк идораси (КІРО) делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

2008 йил 5 декабрда – Киночилар уйида Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли филмлар киностудиялари билан ҳамкорликда “Ўзбекистон ижодкор ёшлари” фильмининг тақдими ўтказилди.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ БАЗА

Мустақил Ўзбекистон ҳудудида саноат мулки объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси тизимида қабул қилинган биринчи норматив ҳужжат бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 15 сентябрда 432-сон Қарори билан тасдиқланган ҳамда 1992 йил 1 октябрдан бошлаб амалга киритилган “Ўзбекистон Республикаси саноат мулки ҳақида муваққат Низом” бўлди.

Ҳозирги пайтда ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, селекция ютуқлари, ахборот технологиялари объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар **халқаро шартномалар ва битимлар, ЎЗР Фуқаролик кодексининг “Интеллектуал мулк” номли мустақил бўлими, тўғридан-тўғри амал қилиш кучига эга бўлган 5 та қонун ва 140 дан ортиқ норматив актлар воситасида тартибга солинади.**

Бу ўринда қонунларнинг номларини келтираемиз:

“Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”;

“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”;

“Электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари тўғрисида”;

“Селекция ютуқлари тўғрисида”;
“Интеграл микросхемалар топологияларининг муҳофазаси тўғрисида”.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон 1991 йилнинг 25 декабридан эътиборан БМТнинг ихтисослаштирилган идораси мақомига эга бўлган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг (БИМТ) аъзоси бўлди. Бундан ташқари республикамиз интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасининг халқаро ҳуқуқий тизимини белгилайдиган қатор халқаро шартномалар қатнашчиси бўлиб, бу тўғридаги батафсил маълумотлар 1-жадвалда акс этди.

1-жадвал

№	Халқаро шартномалар	Қабул қилинган сана	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қучга кирган сана
1.	Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этувчи Конвенция	1967 йил 14 июль. 1979 йил 2 октябрда ўзгартирилди	1991 йил 25 декабрь
2.	Саноат мулки муҳофазаси бўйича Париж Конвенцияси	1883 йил 20 март. 1900 йил 14 декабрда 1911 йил 2 июнда, 1925 йил 6 ноябрда, 1934 йил 2 июнда, 1958 йил 31 октябрда, 1967 йил 14 июлда ва 1979 йил 2 ноябрда қайта кўриб чиқилди.	1991 йил 25 декабрь
3.	Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома	1970 йил 19 июнь. 1979 йил 2 октябрда қайта кўриб чиқилди, 1984 йил 3 февралда ва 2001 йил 3 октябрда ўзгартирилди.	1991 йил 25 декабрь

4.	Товар белгилари бўйича қонун тўғрисида шартнома (ТЛТ).	1994 йил 27 октябрь	1998 йил 4 сентябрь
5.	Ўсимликлар янги навлари муҳофазаси бўйича халқаро конвенция (УПОВ)	1961 йил 2 декабрь. 1972 йил 10 ноябрда, 1978 йил 3 октябрда, 1991 йил 19 мартда қайта кўриб чиқилди.	2004 йил 14 ноябрь
6.	Товарлар ва хизматларнинг халқаро классификацияси тўғрисида Ницца битими	1957 йил 15 июнь. 1967 йил 14 июлда, 1977 йил 13 майда, ва 1978 йил 28 сентябрда Стокгольмда қайта кўриб чиқилди.	2002 йил 12 январь
7.	Патент процедураси мақсадлари учун микроорганизмларни депонентлашни халқаро тан олиними тўғрисида Будапешт шартномаси	1977 йил 28 апрель. 1978 йил 28 сентябрда қайта кўриб чиқилди	2002 йил 12 январь
8.	Халқаро патент классификацияси тўғрисида Страсбург битими	1971 йил 24 март. 1978 йил 28 сентябрда ўзгартирилди.	2002 йил 12 октябрь
9.	Саноат намуналарининг халқаро классификациясини таъсис этиш тўғрисида Локарно битими	1968 йил 8 октябрь. 1978 йил 28 сентябрда ўзгартирилди	2006 йил 19 июль
10.	Патент ҳуқуқи тўғрисида шартнома	2000 йил 1 июнь	2006 йил 19 июль
11.	Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битими Баённома	1989 йил 27 июнь	

Ўзбекистон шунингдек МДХ доирасида амал қиладиган кўп томонлама давлатлараро битимларнинг ҳам қатнашчиси. Бу тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал

№	Битимлар номлари	Имзоланган жойи ва санаси
1.	Саноат мулки муҳофазаси бўйича чора-тадбирлар ва саноат мулки муҳофазаси масалалари бўйича давлатлараро кенгашни ташкил этиш тўғрисида	1993 йил 12 март, Москва ш.
2.	Интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида	1998 йил 6 март, Москва ш.
3.	Ихтироларнинг ҳуқуқий муҳофазаси соҳасида давлатлараро сирларнинг сақланишини ўзаро таъминлаш тўғрисида	1999 йил 4 июнь, Минск ш.
4.	Товар белгилари ва географик белгилардан фойдаланишнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида	1999 йил 4 июнь, Минск ш.

Бугунги кунда амал қилаётган икки томонлама ҳукуматлараро битимлар сони 10 тага етди.

3-жадвал

№	Ҳужжат номи	Имзоланган жойи ва санаси
1.	Саноат мулкининг муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Россия Федерацияси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида тузилган битим	1995 йил 27 июль, Тошкент ш.
2.	Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида тузилган битим	2006 йил 20 март, Тошкент ш.
3.	Интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Грузия Ҳукумати ўртасида тузилган битим	1996 йил 28 май, Тбилиси ш.
4.	Саноат мулкининг муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида тузилган битим	1996 йил 24 декабрь, Тошкент ш.

5.	Саноат мулкининг муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида тузилган битим	1997 йил 2 июнь, Олма-ота ш.
6.	Саноат мулкининг муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида тузилган битим	1997 йил 18 июнь, Тошкент ш.
7.	Интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Украина Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида тузилган битим	1998 йил 19 февраль, Киев ш.
8.	Интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим	1998 йил 6 март, Москва ш.
9.	Интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида тузилган битим	1999 йил 8 ноябрь, Пекин ш.
10.	Икки томонлама ҳарбий-техник ҳамкорликнинг боришида олинган ва фойдаланиладиган интеллектуал фаолият натижаларининг ўзаро ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида тузилган битим	2007 йил 28 ноябрь, Тошкент ш.

Чет эл патент идоралари билан илмий-техника ва патент ҳужжатлари фондларидан ўзаро фойдаланиш, уларнинг маълумотларини айирбошлаш, кадрлар тайёрлашни ва ҳ.к. кўзда тутган идоралараро битимлар тузилган (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

№	Мамлакат ва битим	Имзоланган сана
1.	Беларусь Саноат мулкининг муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим	1995 йил 31 январь
2.	Грузия Саноат мулкининг муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим	1996 йил 28 октябрь

3.	Россия ЭХМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемаларнинг ҳуқуқий муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ЎзР ДПИ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги экинларининг нав синаш Давлат комиссияси ва Россия Федерацияси Селекция ютуқларини муҳофаза қилиш ва синаш бўйича Давлат комиссияси ўртасида ҳамкорлик дастури	1998 йил 11 октябрь 2002 йил, сентябрь
4.	Тожикистон Саноат мулкининг муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим	1994 йил, ноябрь
5.	Австрия Саноат мулкига оид ҳужжатларни айирбошлаш бўйича битим	1996 йил 23 октябрь
6.	Литва Саноат мулкига оид ҳужжатларни айирбошлаш бўйича битим	1995 йил, январь
7.	Хорватия Саноат мулкига оид ҳужжатларни айирбошлаш бўйича битим	1994 йил 13 декабрь
8.	Германия ЎзР ДПИ ва Германиянинг Патентлар ва товар белгилари бўйича идораси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум	2003 йил 11 март
9.	Эстония Саноат мулкининг муҳофазаси соҳасида ҳужжатларни айирбошлаш тўғрисидаги битим	1995 йил, февраль
10.	Чехия Саноат мулкининг муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим	1996 йил 27 ноябрь
11.	Европа-Осиё Патент идораси (ЕОПИ) Саноат мулкининг муҳофазаси соҳасида ҳужжатларни айирбошлаш тўғрисидаги битим ЎзР ДПИ ва ЕОПИ ўртасида Европа-Осиё патент-ахборот тизимидан фойдаланиш тўғрисидаги битим	2000 йил, июнь 2005 йил 19 май

12.	Маъмун академияси Интеллектуал мулкни яратиш, таъминлаш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича илмий-техник ҳамкорлик тўғрисида Давлат патент идораси ва Хоразм Маъмун академияси ўртасида тузилган битим	1998 йил 12 август
13.	Латвия Саноат мулкига оид ҳужжатларни айирбошлаш бўйича битим	2008 йил 6 октябрь

ПАТЕНТ ҲУЖЖАТЛАРИ ДАВЛАТ ФОНДИ

Давлат патент фондини шакллантириш Давлат патент идорасининг бош вазифаларидан бири бўлиб, у мустақиллик йиллари давомида 16 млн. нусхадан 66,8 млн.дан ортиқ нусхагача, яъни 4,2 мартаба кўпайган. Уларнинг 78 фоизидан ортиғи оптик (CD-ROM ва DVD-ROM) дискларидадир.

Патент ҳужжатлари давлат фонди (ПХДФ) миллий ва чет эл патент ҳужжатлари тўғрисида маълумотларни жамлаган ҳамда уларни турли соҳа олимлари ва мутахассислари, янги техника ва технологияларнинг ишлаб чиқувчилари учун тақдим этадиган маскандир.

Патент ҳужжатлари миллий фонди таркибида расмий ахборотнома, ихтиролар ва фойдали моделларга топширилган қоғоздаги ва CD-ROM дисклари каби электрон ташувчиларда сақланадиган нусхалари жамланган.

Фондда сақланаётган чет эл патент ҳужжатлари қаторида халқаро ва регионал патент ташкилотлари, чет эл патент идораларининг CD-ROM дискларда жамланган ихтироларларга талабномалар ва патентлар бўйича тавсифларининг нашрлари, патент берилган фойдали моделлар ва саноат намуналари тавсифларининг нашрлари, рефератив, библиографик ва ахборот-қидирув адабиётларини кўрсатиш мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ
ИДОРАСИНИНГ 1993-2008 ЙИЛЛАРДА
ЧОП ЭТИЛГАН НАШРЛАРИ**

№	Нашр номи
1.	"Расмий ахборотнома" бюллетени, 1993-2008 й.
2.	"Расмий ахборотнома" бюллетенига йиллик кўрсаткичлар тўплами, 2002-2008 й.
3.	Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг йиллик ҳисоботи, 2003-2008 й.
4.	Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикасининг патенти қандай берилади. Унинг ҳуқуқий муҳофазаси ва ҳимояси
5.	Ихтиро ва фойдали моделга патент бериш учун талабномаларга рефератлар тузиш бўйича услубий қўлланмалар
6.	Халқаро патент таснифи: тузилиши ва таснифлаш қоидалари, улар асосида кидирув ўтказиш
7.	Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти қандай берилади. Унинг ҳуқуқий муҳофазаси ва ҳимояси
8.	Халқаро процедура бўйича чет элда товар белгисига ҳуқуқий муҳофаза олиш
9.	Ўзбекистон Республикасида товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофазаси ва ҳимояси
10.	ЎЗР ДПИ расмий нашрларидаги маълумотларнинг тузилиши ва тақдим этилишини тартибга солувчи БИМТ стандартлари
11.	Электротехника ва электроникага оид ихтироларни моҳиятан экспертизасини ўтказиш тавсиялари
12.	Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий масалаларга оид мурожаатларини кўриб чиқишга доир йўриқнома
13.	Ўзбекистон патент тизимини яратилиш ва ривожланиш тарихи
14.	Ўзбекистон Давлат патент идораси патент ҳужжатлари фонди бўйича маълумотнома
15.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ахборот манбалари асосида патент-ахборот кидирувини ўтказиш бўйича Йўриқнома
16.	Селекция ютуқларига Ўзбекистон Республикасининг патенти қандай берилади. Унинг ҳуқуқий муҳофазаси ва ҳимояси
17.	Интеграцияланган ахборот тизимида иш юритишни автома-тизациялаш.

18.	Ўзбекистон Республикасида ихтиролар ҳуқуқий муҳофазаси
19.	Ихтироларга Ўзбекистон Республикасининг патенти қандай берилади
20.	Ўзбекистон Республикасида товар келиб чиққан жой номларининг ҳуқуқий муҳофазаси
21.	Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси ва фойдаланиш имкониятлари, 1993-1998 й.
22.	Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси ва фойдаланиш имкониятлари, 1999 й.
23.	Ўзбекистон Республикасида қонунчилигига асосан саноат намунаси деб қабул қилинмайдиган объектлар
24.	Ўзбекистон Республикасида фойдали моделлар ҳуқуқий муҳофазаси
25.	Патент-тест: патент вакиллари компьютерда тест орқали аттестациядан ўтказиш учун дастурий модуль. Фойдаланувчилар учун йўриқнома
26.	Талабномаларга автоматлаштирилган ишлов бериш технологиясининг тармоқлараро интерфейсида (САТОЗ) интерфейсида иш юритиш бўйича фойдаланувчилар учун технологик йўриқнома.
27.	Ўзбекистон Республикасида селекция ютуқлари ҳуқуқий муҳофазаси
28.	Саноат намуналари ва товар белгилари ҳуқуқий муҳофазасининг ўзаро боғлиқлиги
29.	Ўзбекистон Республикасида товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари ҳуқуқий муҳофазаси
30.	Ўзбекистон Республикасида интеграл микросхемалар топологияси ҳуқуқий муҳофазаси
31.	Ўзбекистон Республикасида ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари ҳуқуқий муҳофазаси
32.	Интеллектуал мулкни бошқариш, № 1,2-3, 2008

СТАТИСТИКА

ТАЛАБНОМАЛАРНИНГ КЕЛИБ ТУШИШИ ВА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛИШИ

Ихтиролар

Кўрсаткичлар	2004	2005	2006	2007	2008	Жами
Топширилган талабномалар, улардан:	478	444	510	522	448	2402
миллий талабнома берувчи- лардан	273	264	324	324	262	1447
чет эллик талабнома берув- чилардан жумладан	205	180	186	198	186	955
РСТ тадбири бўйича	194	170	168	189	165	886

Кўрсаткичлар	2004	2005	2006	2007	2008	Жами
Рўйхатдан ўтказилган ихтиролар, улардан:	178	407	272	312	288	1457
миллий талабнома берувчи- ларга	88	254	161	128	114	745
чет эллик талабнома берувчиларга, жумладан РСТ тадбири	90	153	111	184	174	712
бўйича	80	143	104	174	162	663

Фойдали моделлар

Кўрсаткичлар	2004	2005	2006	2007	2008	Жами
Топширилган талабномалар	58	50	77	124	135	444
Ўтказилган экспертизалар, шу жумладан:	67	101	104	192	241	705
расмий экспертиза	37	43	45	97	99	321
моҳиятан экспертиза	30	58	59	95	142	384
Рўйхатдан ўтказилган фойдали моделлар	24	32	35	70	105	266

Саноат намуналари

Кўрсаткичлар	2004	2005	2006	2007	2008	Жами
Топширилган талабномалар жумладан	73	70	69	65	83	360
миллий талабнома берувчилар	51	38	47	45	46	227
чет эллик талабнома берувчилар	22	32	22	20	37	133

Кўрсаткичлар	2004	2005	2006	2007	2008	Жами
Рўйхатдан ўтказилган саноат намуналари, шу жумладан:	88	53	72	76	67	356
миллий талабнома берувчилар	85	36	36	48	44	249
чет эллик талабнома берувчилар	3	17	36	28	23	107

Товар белгилари

Кўрсаткичлар	2004	2005	2006	2007	2008	Жами
Миллий процедура бўйича топширилган талабномалар	945	960	1478	2062	1983	7428
шу жумладан	439	349	643	1382	1205	4018
миллий талабнома берувчилар	506	611	835	680	778	3410
чет эллик талабнома берувчилар						
Мадрид битими процедураси бўйича	1937	2269	2464	3180	3050	12900

Кўрсаткичлар	2004	2005	2006	2007	2008	Жами
Рўйхатдан ўтказилган белгилар	802	838	824	1085	1727	5276
шу жумладан:						
миллий талабнома берувчилар номига	307	349	267	446	991	2360
чет эллик талабнома берувчилар номига	495	489	557	639	736	2916

ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари

Кўрсаткичлар	2004	2005	2006	2007	2008	Жами
Топширилган талабномалар, шу жумладан:	156	171	207	269	273	1076
ЭХМ учун дастурлар бўйича маълумотлар базалари бўйича	151	156	172	250	230	959
	5	15	35	19	43	117
Рўйхатдан ўтказилган талабномалар, шу жумладан:	159	187	193	284	226	1049
ЭХМ учун дастурлар бўйича маълумотлар базалари бўйича	155	173	158	263	202	951
	4	14	35	21	24	98

Селекция ютуқлари

Кўрсаткичлар	2004	2005	2006	2007	2008	Жами
Топширилган талабномаларнинг сони, шу жумладан:	14	5	9	14	7	49
ўсимликлар навларига	12	5	8	13	7	45
ҳайвонлар зотларига	2	-	1	1	-	4
Ўтказилган расмий экспертизалар	11	7	8	11	12	49
Талабномаларни кўриб чиқишга қабул қилинганлиги тўғрисида берилган қарорлар	11	7	8	9	12	47
Патентга лаёқатлигига экспертиза ўтказиш учун берилган талабномалар	10	7	7	8	12	44
улардан:						
ўсимлик навлари бўйича:						
ғўза	5	5	6	7	9	32
юмшоқ буғдой	-	2	-	-	-	2
маккажўхори	2	-	-	-	-	2
шоли	1	-	-	-	-	1
нухот	-	-	-	-	2	2
соя	-	-	-	-	1	1
ҳайвон зотлари бўйича:						
қорақўл қўй	2		1	1	-	4
талабнома берувчилар бўйича:						
миллий талабнома берувчилар	10	-	7	8	12	44
чет эллик талабнома берувчилар	-	7	-	-	-	-
	-	-	-	-	-	-

Кўрсаткичлар	2004	2005	2006	2007	2008	Жами
Рўйхатдан ўтказилган селекция ютуқлари	6	10	9	8	6	39
<i>улардан:</i>						
<i>ўсимлик навлари бўйича:</i>						
ғўза	2	7	7	4	3	23
юмшоқ буғдой	3	-	-	-	-	3
маккажўхори	-	1	2	-	-	3
шоли	-	-	-	4	1	5
<i>ҳайвон зотлари бўйича:</i>						
қоракўл кўй	1	2	-	-	2	5
<i>талабнома берувчилар бўйича:</i>						
миллий талабнома берувчилар	6	10	9	8	6	39
чет эллик талабнома берувчилар	-	-	-	-	-	-

Лицензия шартномаларини ва муҳофаза ҳужжатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказилиши

Кўрсаткичлар	2004	2005	2006	2007	2008	Жами
ИМО га бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномалар	75	71	69	104	77	396
Мутлақ лицензиялар бўйича шартномалар	2	2	4	3	8	19
Номутлақ лицензиялар бўйича шартномалар	12	22	42	44	31	151
Барчаси	89	95	115	151	116	566